# ТУРОН ОСМОНИДА ПОРЛАГАН ҚУЁШ,



*Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.*

*Ислом КАРИМОВ.*



**Бугун биз бобокалонимиз Амир Темур ҳақида тўла ҳуқуқ билан тортинмай гапира бошладик. Ҳолбуки, узоққа бормай, бундан 5-6 йил олдинги аҳволни кўз олдимизга келтирсак, манзара бутунлай ўзгарганига, гўё тун кетиб, тонг отганига гувоҳ бўламиз. Биз бу саодатга юртимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар туфайли эришдик. Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти илк қадамларданоқ инсонпарвар жамият қуриш сари дадил киришган эди, унинг ёрқин намунаси — соҳибқирон Амир Темурнинг ўз авлодларига қайтарилиши бўлди. Зеро, халқимиз неча асрлар буюк бобокалонимизга талпиниб яшаб келган эди.**

**Соҳибқироннинг муносиб эъзоз топиш тадрижи мураккаб тарихга эга. Ҳали бу ҳодиса кўп тадқиқ қилинади. Таниқли олим, академик Бўрибой АҲМЕДОВ бу борада салмоқли ишларни амалга оширди. Изланишларини изчил давом эттирди. Дастлаб Мирзо Улуғбек, кейинчалик Амир Темур ҳақида салмоқли асарлар яратди. Айни пайтда янги ижодий режалар билан яшаётган Халқаро Амир Темур ҳайрия жамғармаси бошқарувининг раиси Бўрибой АҲМЕДОВ билан эсдаликлари, галдаги вазифалар юзасидан суҳбатлашдик.**

## ЭЪТИРОФНИНГ ҚИЙИН ЙЎЛИ

— Эсимда, 1968 йилнинг кузида дунё олимлари Самарқандда «Темурийлар даври маданияти» деган мавзуда катта халқаро анжуман (симпозиум)га тўпланди. Ўшанда олимлар, айниқса, Шўро олимларининг бир қисми симпозиумнинг мавзу номига қарши чиқишиб, оёқ тираб олдилар. Қайси бирлари «XV аср маданияти» деб номлашни тавсия қилдилар. Баъзилари (хусусан, афғонистонлик шарқшунослар) «Хуросон маданияти» деб аташни маъқул кўрдилар. Бунинг устига Амир Темур шаънига айтилаётган гапларга (босқинчи, ёвуз, қонхўр ва ҳ. к.) чидолмадим ва мажлисдан чиқиб кетдим. Симпозиум бўлаётган бинонинг шундайгина ёнида 7-8 сўри қўйилиб, чойхона қилинган экан, сўрилардан бирида Иброҳим Мўминов билан Яҳъё Ғуломов чой ичишиб ўтиришарди. Иброҳим Мўминов «бу ёққа келинг» деб қўли билан ишора қилдилар. Салом-аликдан кейин сўрининг бир четига чиқиб ўтирдим. Орадан 4-5 дақиқа ўтар-ўтмас бинодан шиддат билан Ҳамид Сулаймон чиқиб келди ва бизнинг қаторимизга келиб ўтирди. Ҳамид Сулаймон аслида қизиққон одам эди, бўлаётган аҳволдан ачиниб нолиб кетди:

— Бу қандай бедодлик ўзи! Нима, қилич яланғочлаган бир Темурми? Нима, Пётр I, Иван Грозний, Наполеон авлиёмиди?!

Ҳаммамиз бош ирғаб, унинг бу гапларига қўшилдик, лекин ҳеч ким гап қотмади, ҳатто овоз чиқариб гапиришдан чўчидик. Орадан кўп вақт ўтмай Ҳамид Сулаймон яна:

— Аслида, ҳазрат соҳибқиронга ҳайкал қўйиш керак. У бунга арзийди, — деди.

Ҳаммамиз яна бош ирғаб, унинг гапларини маъқулладик. Лекин Тошкентга қайтганимизда бир куни нуфузли идоранинг одами билан йиғилишда учрашиб қолдик. У Самарқандда бўлган ўша воқеани суриштирди (кейин билсам, муҳтарам домлалардан ҳам суриштиришган эканлар).

— Амир Темурга бугун бўлмаса, эртага, албатта, ҳайкал қўйилади, — дедим-қўйдим. Бошқа гап хаёлга келмади.

— Ўша ҳайкални қаерга ўрнатасизлар? — деб сўрашда давом этди у.

— Шаҳарнинг энг обод бир ерига, — дедим, тоймасдан. — Бунга биз муяссар бўлолмасак, авлодлар амалга оширади, — дедим аламимни ютиб.

...Мана, соҳибқиронга шаҳарнинг қоқ марказига Президент Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан ҳайкал ҳам ўрнатилди. Эл-юрт тепасида шундай сергак, доно, узоқни кўрувчи, жасур раҳбар туриши катта бахт экан, ўзи. Орадан кўп ўтмай, ҳайкал ёнида соҳибқиронга атаб ажойиб, бетимсол бино — Темурийлар даври тарихи Давлат музейи ҳам қуриб битказилди. Бу билан Темур, Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганишга яна бир катта имконият яратилди.

Дарвоқе, ўшанда мендан «Темурга ҳайкални қачон ва қаерга қўймоқчисизлар?» деб сўраган ўша ходимни яқинда кўчада кўриб қолдим. Қуюқ сўрашиб, «Амир Темур» романингизни ўқиб чиқдим. Китоб менга кўп маъқул бўлди», деб мени мақтай кетди, узоқ умр тилади.

— Ҳайкал ҳам қўйилди, кўзингиз тушгандир, — дедим.

У, «ҳа, кўрдим, Темур бобомиз бунга арзийди», деб жавоб қилди. Қаранг, Амир Темурни «бобомиз» деди у.

Мана буни эътироф дейдилар.

Яна бир гап, 1989 йили, декабрь ойи ўрталари бўлса керак, академиянинг бир гуруҳ мухбир аъзолари ва академикларини тўплашиб, ижтимоий фанларнинг муаммоларини ўртага ташлаб, ҳар биримизга аниқ бир йўналиш устида илмий иш бошлаш топширилди.

— Сиз, — деди академик-котиб менга қараб, — Темур ва темурийлар даври тарихи, маданияти масалалари билан шуғулланинг шогирдларингиз билан.

Шу ерда кекса академиклардан бири масалага «ойдинлик» киритди:

— «Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданияти» демайлик, «XV аср тарихи ва маданияти» дейилгани маъқул.

Қаранг, Амир Темур ва темурийлар номи кўпларга яқин-яқинларда ҳам нақадар даҳшатли бўлган.

Хайрлиси шулки, ўша кекса академигимиз бугун яхшигина темуршунос бўлиб қолди. Темур ва темурийлар даврида ижтимоий, маънавий ҳаёт ҳақида бир неча яхши мақола ҳамда рисолалар ёзиб, чоп эттирди.

Буни ҳам эътироф дейдилар.

Амир Темур ва у барпо этган катта давлатни Ғарбда XIV асрнинг охири, XV асрдаёқ танишган ва тан олганлар. Бу ҳақда XVII асрдан бери мингдан ортиқ ҳар хил асар ёзилган. Лекин уни биров мўғул деса, бошқалари Тамерлан («Темур ланг» сўзининг бузилган шакли) деб аташда давом этдилар. Худога шукр, Оврупо ва Америкада олимларнинг кўпчилиги бу улуғ зотнинг номи, келиб чиқишини тўғри айтадиган ҳамда ёзадиган («соҳибқирон Амир Темур» тарзида) бўлиб қолишди. Яқинда АҚШлик бир ҳарбий мутахассиснинг Амир Темур ҳақида ёзган мақоласини ўқиб қолдим. «Дунёда тенги йўқ саркарда эди» деб ёзибди. Уни улуғлаб кўп мамлакатларда ўтказилаётган халқаро конференциялар-чи?

Бу ҳам эътироф, Амир Темурнинг ватани ва жаҳон тарихидаги ўрни, ролини тан олиш демакдир.

**— «Улкан мерос ҳамма вақт улкан мухолифлик туғдиради». Бу — соҳибқирон Амир Темурнинг гапи. Ҳозир эришилган муваффақиятлар катта ишнинг бошланиши. Эндиликда илм аҳлини, ижодкорларни, бутун жамоатчиликни янада масъулиятли вазифалар кутаяпти. Шубҳасиз, Ўзбекистон Темур ва темурийлар даври маданиятини тадқиқ қилувчи дунё марказига айланиши лозим.**

— Иншооллоҳ, шундай бўлади. Бу улуғ юмушнинг куртаклари пайдо бўлди. Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишга астойдил киришдик. Биз олимлар, ёзувчилар, шоирларни бунга рағбатлантирган ва зарур шарт-шароит яратиб бераётган ҳам ҳукуматимиз ва унинг бошлиғи Президент Ислом Каримов бўлаётир.

Халқаро Амир Темур жамғармасининг таъсис этилиши, Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейининг қурилиши бунга яққол мисолдир. Музей келажакда улкан бир зиёратгоҳга ва муҳим илмий марказга айланади. Мен бунга аминман.

Халқаро Амир Темур жамғармаси ўтган шу қисқа вақт ичида бу йўлда озми-кўпми тадбирларни амалга оширди. Жамғарма ташкилий жиҳатдан шаклланди. Республикамизнинг ҳамма вилоятларида ва айрим хорижий мамлакатларда унинг бўлимлари ташкил топди. Жамғарма жойлардаги бўлимлари билан биргаликда Темур ва Темурийлар даври тарихи, маданиятини ўрганиш орқали халқимизнинг миллий ғурур ҳамда миллий ифтихорини уйғунлаштириш, ёшларни миллий истиқлол, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бизда ҳам миллий мустақиллик туфайли тарих фанида янги илмий йўналиш — темуршунослик пайдо бўлди. Хўш, уни қайси йўналишлар бўйича тараққий эттириш маъқул?

Биринчи навбатда, Темур ва темурийлар даврида ёзилган қўлёзма асарларини, Темур ва темурийларнинг хорижий давлатлар олий ҳукмдорлари билан ёзишмаларини, элчилар, савдогарларнинг эсдаликларини тўплаб, ўзбек ҳамда рус тилларига таржима қилиб нашр этиш зарур.

Иккинчиси, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, маданияти ҳақида илмий, илмий-оммабоп китоблар ёзиб чоп этиш лозим.

Учинчиси, ҳазрат соҳибқирон ва унинг улуғ авлоди ҳақида яхши бадиий асарлар (романлар, достонлар, саҳна асарлари, киносценарийлар) яратиш керак бўлади.

Тааждубки, Амир Темур авлодининг кўпчилиги йирик давлат арбоби бўлиш билан бирга ё шоир (Султон Ҳусайн, Саид Аҳмад, Ҳалил Султон, Бобур, Зебунисо, Баҳодиршоҳ II), ё бўлмаса олим (Бобур, Бойсунғур, Жаҳонгир, Гулбаданбегим, Доро Шукуҳ) бўлишган. Уларнинг баъзи асарлари сақланган. Бу асарларни ҳам ўрганиш ва таржима қилиб оммалаштириш пайти келди. Бу — темуршуносликнинг тўртинчи йўналиши бўлиб қолмоғи керак.

Ва ниҳоят, бешинчи йўналиш — Темур ва Темурийлар ҳақида Оврупо, Осиё, АҚШ билан Канадада XIV-XVII асрлардан бери ёзилган китобларнинг феҳристи (каталоги)ни тузиш, чоп этиш зарур. Бу йўлда ҳозирда хорижий мамлакатларда хизмат қилиб турган олимларимиз Акмал Саидов ва Шамсуддин Бобохонов кабиларнинг ишлари таҳсинга сазовордир. Акмал Саидов билан Э. Ртвеладзе Оврупада, Темур ва темурийлар ҳақида ёзилган Франция кутубхоналарида, музейларида сақланаётган мингдан ортиқ асарларнинг феҳристини чоп қилдилар. Жумладан, Шамсуддин Бобохонов билан Насрулло Мубашшир ат-Торозийнинг «Амир Темур ва темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манбаа ва қўлланмалар феҳристи»ни алоҳида қайд этиш лозим. Бу савоб ишни хорижий мамлакатларда хизмат қилиб турган бошқа олимларимиз ва вакилларимиз ҳам амалга оширишларига ишончимиз комил.

**Суҳбатдош:**
**Ҳаким САТТОРИЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ҒОЯТ АҚЛ ВА ЗАКОСИДАН»...

**Буюк донишманд, ҳазрати Алишер Навоий 901 ҳижри (1495-96) йили битган «Насойимул муҳаббат мин-шамойомул футувват» асарида Амир Темур тўғрисидаги бир лавҳа алоҳида аҳамиятга эгадир.**

Ушбу асардаги турк машойихлари қисмининг 648-авлиё тартибида қўйидаги матнни ўқиймиз: «Бобо Сангу, қаддаса сирраҳу, замон мажзубларидан эрмиш, Андхуд қасабасида (шаҳарчасида) бўлур эрмиш. Рамзларни (имо-ишорат, яширин белгиларни) билганлар натижа топарлар эрмиш, Темурбек Хуросон мулки азиматиға (мақсад қилиш, сафарга чиқиш) юруганда, Андҳудга етганда машҳурдурки, Бобо ҳидматига борғондур. Ултурғондин сўнгра Бобо илайида (олдида) бир сўфрада яхна эт эркандур. Қўйнинг яхна тўшини олиб, Темурбек сори отибдур. Темурбек ғоят ақл ва закосидан дебдурки, Хуросонни ер юзининг кўкси дебдурлар, ани Бобо бизга ҳавола қилди, деб бу башорат била юруб Хуросон мулкини олибдур. Бобо Сангунинг қабри ҳам Андҳуд қасабасидадур» (қўлёзма, 97а, 98б варақ).

Навоий ёзган Бобо Сангу ўша давр замонасининг мажзубларидан, яъни мажзуб — тасаввуфда ҳайрат мақомида турган, Оллоҳга руҳан яқинлашган, фано даражасидаги киши, эрди. У келажакни идрок этувчи, ички ботин кўнгил билан ҳар ишни тасаввур қилувчи зот сифатида кўрсатилган эди. Шунинг учун унинг нозик имо-ишорати, яъни яхна қўй тўшини Темурга отиши моҳият нуқтаи назаридан маъно билдирар эди.

Бу кичик лавҳа билан биз қиёси йўқ буюк саркарда Амир Темурнинг Навоий айтган «ғоят ақл ва закоси»ни тушунишимизга кўмак беради, у соҳибқироннинг фаолияти ва унинг шахсиятини тушунишда алоҳида аҳамият касб этгусидир.

**Ҳамидхон ИСЛОМИЙ,**
**ЎзРФА қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими.**

## РОСТИЙ — РУСТИЙ

**Султони Соҳибқирон маҳобатли ҳайкалининг остига унинг энг севган шиори ёзиб қўйилган. Бу шиор жаҳонгирнинг хос қиличида ҳам, узугидаги муҳрида ҳам айнан форсийда — «Ростий — рустий» тарзида битилган эди.**

Хўш, Темур бу қадар улуғлаган шиорнинг моҳиятида нима ётади?

Бу айни: «Куч — адолатда», — деган маънони бериши кўпчиликка маълум.

«Ростий» — тўғрилик, адолат деган тушунчаларни англатади. «рустий» эса кучлилик, қувват, мустаҳкамлик маъноларида келади. Форсий луғатларда унинг «роҳат», «фароғат» маънолари ҳам қайд этиладики, бундан шиорда: «Адолатли бўлсангиз, роҳат-фароғатда яшайсиз», — деган мазмун ҳам келиб чиқиши ойдинлашади.

Шартли равишда айтиш мумкинки, Амир Темур буюк бир салтанатни барпо этган бўлса, Навоий ана шу темурийлар салтанатининг ўзига хос тадқиқотчиси сифатида асарлар яратди. Темур тузган амалиянинг асосида ётган «Ростий — рустий» бош шиори Навоий ёзган назариянинг ҳам ўзаги бўлиши табиий эди.

Аслан ҳам шундай.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг 26-боби махсус солотин, яъни султонлар ҳақида. тўғридан-тўғри «сен» дея шоҳга мурожаат услубида битилган бу бобда шоир подшоҳ қандай бўлиши кераклиги борасидаги қарашларини илгари суради. Ҳатто ҳукмдорларга қарата бевосита маслаҳатлар беришга ҳам ўтиб кетади. Айш-ишратга муккасидан тушган, адолатсизликларга йўл қўядиган, охиратни — қиёмат кунини ўйламайдиган шоҳларни ҳушёрликка чақиради.

Шу бобнинг Амир Темур билан боғлиқ икки нозик нуқтаси бор.

Биринчиси шуки, шоҳнинг бошига Сулаймонга ўхшаб Ҳумой қуши соя солиши, унинг қўлини Жамшид каби жом ўпишини гапириб келиб, шоир бирдан ҳукмдор узугига баланд фалак «Ростий — рустий» шиорини нақшлаганини эсга олади:

*Ҳотами адлингға сипеҳри баланд,*
*«Ростиву русти(й)» била нақшбанд.*

Демак, Навоий подшоҳларни Амир Темур ақидасига амал қилиб, адолатли ҳукм юргизишга ундаяпти. Унинг талабига кўра, адолат билан амр қилиш подшоҳнинг туғроси, яъни буйруқлари бошига битиб қўйилиши шарт:

*Хутбайи жоҳинг қадар инšо қилиб,*
*«Яъмуру би-л-адл» ила туғро қилиб.*

Бу Амир Темур билан боғлиқ иккинчи жиҳат.

Амир Темур шиорининг навоиёна шарҳи шу билангина тугаб қўя қолмайди.

Навоий ижодининг ўзига хос «дастурнома»си бўлмиш «Ҳайрат ул-аброр»нинг 40-боби — ўнинчи мақолотига келиб, ростлик масаласи алоҳида мавзуъ қилиб қўйилади. Бу энди фақат шоҳларга эмас, умуминсонларга тегишли панд-насиҳат. Бироқ тўғриликнинг нақадар азиз фазилат эканини тушунтириш учун ҳам шоир яна адолатли подшоҳ тимсолига айланиб кетган Сулаймон пайғамбарнинг ҳукмронлигини мисолга олади. Чунки айнан ана шу тўғрилиги — адолатлилиги учун ҳам халқ ана шу раҳнамо пайғамбарга эргашди. Бу буюк адолатпешанинг узугидаги муҳрда: «Ростий — рустий», деб битилган эди:

*Лек Сулаймонға нечукким замон,*
*Ҳотам ила ҳукм этиб эрди равон.*

*Анга доғи гардиши чархи барин*
*Салтанат ичра бериб андоқ нигин,*

*Ул нимаким, ҳар киши хонлиқ топиб,*
*Ҳукми анинг бирла равонлиқ топиб.*



*Хатдин ўлуб анда доғи бу шараф,*
*Хатти бўлуб гавҳар-у, ҳотам — садаф.*

*Турфа буким, хаттин анинг рўзгор*
*«Ростий — рустий» этиб ошкор.*

*Қилмаса бу муҳр хати ёрлиқ,*
*Шоҳға йўқ ғайри гирифторлиқ.*

*Тузлук ўлуб охир анга дастгир,*
*Тузлук ила халқ анга фармонпазир.*

Бу тасвирлардан шундай маъно англашиляптики, Амир Темургача Ислом оламида Сулаймон пайғамбарнинг ана ўша машҳур узугидаги муҳрда «Ростий — рустий» шиори ёзилган эди, деган ақида мавжуд бўлган. Султони Соҳибқирон бу шиорни танлашда ана шу ақидага суянган кўринади.

Ҳар ҳолда, Навоийнинг Амир Темур шиорини икки бор махсус шарҳлаши ҳам унинг адолатни қанчалар улуғлаганидан далолат беради.

Шуларгагина таяниб ҳам айтиш мумкинки, Навоий ўз асарларида, ялпи олганда, Амир Темурни адолатли подшоҳ янглиғ ҳурматлайди.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби.**

## КУТУБХОНАНИ ҚИДИРИБ...

**Шарқда азалдан фозил инсонларни ва илму фан жавҳарлари тўпланган китобларни қадрлашган.**



Бундан минг йиллар аввал ҳам Бухоро, Хива, Самарқандда мавжуд бўлган кутубхоналар шуҳрати етти иқлимга тарқалгани, уларнинг зиёсидан баҳра олиш учун олис мамлакатлардан ҳам толиби илмлар ана шу даргоҳларни излаб келишгани маълум. Шарқнинг маърифатли ҳукмдорлари ўз саройларидаги кутубхоналарни кенгайтириш, уларни мунтазам янги-янги асарлар билан бойитиб боришга ҳамиша катта эътибор беришган. Бу ишни давлат аҳамиятига молик юмуш, деб билганликлари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд.

Амир Темур ва Улуғбек кутубхоналарининг сири асрлар давомида минглаб кишилар ақлини банд қилиб келмоқда. Уларнинг изсиз кетиши сабаблари, кейинги тақдирини билиш учун қанчадан-қанча олимлар бош қотирмаган, дейсиз.

Шу ерда Амир Темур кутубхонасини ёки ҳеч бўлмаса унинг изини топишга нақадар катта аҳамият берилганини кўрсатувчи бир воқеа хусусида тўхталиш жоиздир. Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олина бошланган илк дамлардаёқ қўшин бошлиқлари, ҳарбий губернаторлар махфий тарзда Петербургдан Амир Темур кутубхонасини қидиришга киришиш ва уни топиш тўғрисида кўрсатма оладилар. Буни Туркистон ҳарбий губернаторининг ҳали 1866 йилнинг 17 январидаёқ Петербургга йўллаган шу хусусдаги маълумотномаси ҳам исботлаб турибди. Бу маълумотномада Амир Темур кутубхонасини топиш мақсадида шошилинч чоралар кўраётганлиги ҳақида хабар беради.

Маълумки, ўша пайтлар ҳали Самарқанд рус қўшинлари томонидан истило қилинмаган эди. Шу сабабли улар кутубхона изларини бевосита Самарқанднинг ўзидан излаш имконига эга эмасдилар. Ана шунинг учун ҳам губернатор бу борада барча воситалардан фойдаланаётганлигини хабар қилади. У савдо-сотиқ ишлари билан Бухорога қатнаётган тижоратчиларни ёллаб, уларга Самарқандда бўлиши эҳтимоли тутилаётган соҳибқирон кутубхонасини қидириш, у сақланаётган жойни аниқлашни топширади.

Кейинчалик 1868 йилда Самарқанд ҳам босиб олингач, орадан саноқли кунлар ўтиб, рус шарқшуноси А. Л. Кун қидирув ишларини бевосита шу ерда олиб бориш учун шаҳарга етиб келади. У кутубхонага оид ёки у ҳақида бирор бир маълумот бериш мумкин бўлган ҳужжатларни қидириб, Самарқанд мадрасаларида сақланаётган барча вақф қоғозларини тўплашга киришади. Қисқа вақт ичида унинг бир юз элликтадан зиёд турли ҳужжатларни ўрганганини ҳамда уларни рус тилига таржима қилиб умумлаштиргани маълум. Аммо улар орасида Амир Темур кутубхонаси ҳақида хабар берувчи бирор бир маълумотни топганми ёки йўқми, буниси мавҳумлигича қолмоқда.

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТЕРМИЗ САҲНАСИДА



**Сурхондарё вилоят театри «Амир Темур ва Боязид Йилдирим» деб номланган саҳна асарини яратди. Саҳналаштирувчи режиссёр — Мансур Равшанов, муаллиф — Қилич Абдунабиев.**

Спектаклни томоша қилаётганлар асар муаллифларини «боплашибди», деб қутлашмоқда. Театрнинг собиқ артисти, ҳозирги кунда маданият ишлари вазири ўринбосари Муҳаммадали Абдуқундузов ҳам спектаклга бир сўз билан ўзининг баҳосини берди: «қойил!».

**Т. РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СЕВИМЛИ МАСКАН

Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги байрами тантаналари арафасида соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Наманган вилояти марказида хиёбон бунёд этилганди. Қарийб 2,5 гектар майдонни эгаллаган масканга ташриф буюрганлар Темур фаолияти ва авлодлари ҳаётини акс эттирувчи паннолар билан танишиб тарихга назар ташласалар, фавворалар отилиб турган, гулларга бурканган йўлаклардан юриб завқ оладилар.

Хиёбонда энг замонавий усулда қурилган кўркам бинода ёш келин-куёвларнинг никоҳ маъракалари бўлиб ўтмоқда. Турмуш қураётган ёшлар мустақил ҳаётларини бобомиз номини ёд этиш ва унга ҳурмат бажо келтиришдан бошламоқдалар.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*СУРАТДА: Наманганадаги хиёбон ва унинг бунёдкорлари.*
**Т. МАҲКАМОВ олган сурат.**

• БУГУН — БМТ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

# ЭЗГУЛИК ҚЎРҒОНИ



**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги энг йирик ва нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамиятига дахлдор бўлган энг муҳим муаммоларни ҳал этиш ва ўрганиш мақсадида тузилган ушбу ташкилот мана 51 йилдирки тинчлик ва ҳамкорлик йўлида хизмат қилиб келмоқда.**

Ушбу сана арафасида БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Маълумки, БМТ ярим асрдан ошиқроқ вақт мобайнида сайёрамиздаги халқаро зиддиятларни ечиш, ойдинлик киритишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди жаноб вакил. — 51 йил ичида БМТнинг жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, ер куррасида ирқчилик ҳамда мустамлакачиликни батамом тугатиш борасидаги фаолияти ҳар томонлама шаклланди. Энг муҳими, айни дамда халқаро низоларни БМТ доирасида ҳал этишнинг имкониятлари яратилди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, бугунги кун БМТ ташкил топган даврдаги ҳаётдан тубдан фарқ қилади. Халқаро жараённи бундан 51 йил аввалги ўлчамлар ёки ўша даврда қабул қилинган айрим аҳдномалар тартиби билан таққослаб бўлмайди. Зеро, замон бу ривожланиш, ўзгариш, оддийроқ қилиб айтганда диалектика билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода ҳозирда БМТнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва айниқса, масъулияти ошиб бормоқда. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро зиддият ва ихтилофларини тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари жаҳон халқлари ҳамда мамлакатларининг унга бўлган ишончини янада оширди.

БМТ ёш Ўзбекистонни 1992 йилнинг март ойида таниди. Бу билан Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллиги янада мустаҳкамланди. Айни дамда Ўзбекистон билан БМТ хусусийлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳаларида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиб келмоқда. БМТнинг юртингизда фаолият кўрсатаётган мавжуд миссиялари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бошқарувни такомиллаштириш каби кўплаб ишлар билан машғулдирлар. Биз Ўзбекистон раҳбарияти билан келишган ҳолда фаолият юритаяпмиз. Бу ўзаро ҳамкорлигимизнинг янада самарали бўлишига мақбул шарт-шароитлар яратмоқда.

Ҳар бир давлатнинг БМТда бўлиши унинг аъзо эканлиги билан кифояланмайди. Халқаро ҳамжамият сафида бўлиш — бу ишонч, масъулият, тенг ҳамкорлик олиб бориш, жаҳон тинчлиги ва осойишталиги учун дадил курашиш ҳамда юксак жавобгарлик ҳиссини англаб етишдир. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатингизнинг халқаро ҳамжамиятдаги дастлабки одимлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан муносиб ўрин эгаллаётганидан дарак беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош ассамблеясининг 48 ва юбилей сана — 50 — сессияларида сўзлаган нутқи муҳим аҳамият касб этади. Негаки, Ислом Каримовнинг ҳар иккала маърузаси ҳам қисқа бўлишига қарамасдан Ўзбекистон ҳақида кенг ахборот берди, тинчлик ва хавфсизликка оид таклиф ҳамда ташаббуслари жаҳон афкор оммасида катта қизиқиш уйғотди.

Биз Ўзбекистоннинг бундан кейин ҳам кенг кўламли тинчлик ва ҳамкорликка оид ана шундай қудратли овози доимо янграб туришига аминмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ ёзиб олди.**


# ДИҚҚАТ: ТЕНДЕР!



Ўзбекистон Республикаси Давистиқболстатқўмиси

барча манфаатдор фирмалар, компаниялар ва бошқа ташкилотларни Жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банки молиявий таъминлаётган

"Давистиқболстатқўм тизимида ахборот-таҳлили шахобчасини яратиш учун компьютерлар, коммуникация асбоб-ускуналари ва дастурий воситаларни етказиб бериш" ТЕНДЕРИГА таклиф этади.

Зарур ахборот ва ҳужжатлар юзасидан Давистиқболстатқўмнинг ДҲМига мурожаат этилсин.
Манзил: 700077, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли, 63, 3-қават, 312-хона А. Сотимов.
Тел.: (3712) 67-25-59, 67-23-68. Факс: (3712) 67-25-09.


• Обуна—97

# «ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» – СИЗНИНГ НАШРИНГИЗ ВА СУҲБАТДОШИНГИЗ

Дўст-дўстнинг ойнаси, дейди халқимиз. «Ўзбекистон матбуоти» журнали мустақил юртимиз қаламкашлари, телерадиожурналистлари, ношир ва матбаачилари, китоб савдоси ходимлари ҳаётининг кўзгуси, бўлажак журналист ва матбаачиларнинг маслаҳатгўйи, ишчи-деҳқон мухбирларнинг кўмакчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг ижодкорлари ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифани астойдил бажаришга интилиб, нашр мундарижаси ва савиясини оширишга баҳоли қудрат куч-ғайрат сарфлаб келмоқдалар.

Маълумки, ҳар қандай нашр — давр кўзгуси. Шу боисдан ҳам унинг доимий мундарижаси ва рукнлари бўлади, улар орқали давр нафаси муштарийларга етказилади. «Муҳаррир минбари», «Нашриёт-матбаачилик», «Телевидение. Радио», «Китоб — ақл чироғи», «Барҳаёт сиймолар», «Фахрийлар-фахримиз», «Ҳамкасбларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз», «Сўз — ишчи-деҳқон мухбирларига», «Очиқ ва аччиқ гаплар», «Журналистлар ёзган китоблар», «Изланиш клуби» — булар «Ўзбекистон матбуоти» журналининг саҳифаларидан муҳим ўрин олган доимий рукнлардир.

Истиқлолдан сўнг Ўзбекистон журналистлари ҳам жаҳон янгиликларини мустақил ҳолда ёритмоқдалар. Шуни назарда тутиб саҳифаларимизда «Биз ва жаҳон», «Журналист хориж сафаридан қайтди» рукнлари пайдо бўлди. «Миллий матбуотимиз тарихига бир назар», «Матбуот тарихининг ўқилмаган саҳифалари» туркумидан берилаётган мақолалар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмаяпти. Бозор иқтисодиёти шароитида дуч келинаётган муаммоларни ечиш йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи «Очиқ ва аччиқ гаплар», «Нуқтаи назар» рукнли мақолаларни чоп этиш ўз самарасини бераётир.

«Ўзбекистон матбуоти» таҳририяти келгуси — 1997 йил режаларини белгилаб олмоқда. Табиийки, ижодий режаларнинг амалга оширилиши ўз-ўзидан бўлмайди. Биз, республика оммавий ахборот воситаларида ишлаётган ҳамкасбларимиз — журналистлардан, нашриёт-матбаа иши фидойиларидан, фахрий қаламкашлардан, жамоатчи мухбирлардан, бўлажак журналистлардан кўплаб қизиқарли хат-хабарлар, мақолалар, лавҳалар ёзиб, таҳририятимизга жўнатиб туришларини жуда истардик..

Муҳтарам ҳамкасблар! «Ўзбекистон матбуоти»ни ва оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан яқинроқ танишаман десангиз, севимли нашрингизга обуна бўлишни унутманг! Журналнинг обуна нархи бошқа даврий нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган. Тошкент шаҳрида бир йиллик обуна баҳоси — 106 сўм 80 тийин. Вилоятларда бир йиллик каталок баҳоси 78 сўм. Бунга алоқа ходимлари хизмат ҳақи кирмаган. Индекс — 75323.

**З. Есенбоев,**
**«Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири**

• Футбол

# ЎЗИГА ХОС ХАЛҚАРО ТУРНИР

**Пойтахтимиздаги «Чилонзор» стадионида икки кунлик ўзига хос халқаро футбол турнири ўтказилди.**

БМТнинг 51 йиллигига бағишланган бу мусобақада БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари жамоаси, республика ишбилармон ва ҳукумат идоралари вакиллари командаси, элчихоналар ходимлари ҳамда хорижий ишбилармонлардан ташкил топган жамоа, шунингдек, республика футбол фахрийларидан иборат командалар қатнашди.

Фахрийлар жамоаси таркибида собиқ пахтакорчилар — Аҳрол Иноятов, Тўлаган Исоқов, Равшан Юнусов, Вячеслав Солохо, Владимир Штерн, ҳукумат идоралари вакиллари жамоаси сафида Президент давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаевнинг майдонга чиқиши мухлислар диққатини тортди. Турнирда футбол фахрийлар командаси ғолиб чиқди ва бош соврин билан тақдирланди.



**Р. ЭРМУҲАММАД.**
**СУРАТДА: Мусобақадан лавҳа.**


*Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бошқармаси бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва бошқа масъул лавозимдаги шахслар бўш ўрнини эгаллаш учун*

***танлов эълон қилади.***

**Хусусийлаштириш инвестицион жамғармалар дастурини амалга ошириш учун ажратилиб, Жаҳон банкининг махсус кафолати билан молиялаштириладиган битимлар асосида ёлланади.**

**Танлов шартлари:**

1. Республика давлат органлари ёки қимматли қоғозлар бозоридаги иш тажрибаси — камида 2 йил.
2. Катта жамоа фаолиятини режалаштириш ва мувофиқлаштириш тажрибаси.
3. Жамоат олдида сўзга чиқиш тажрибаси.

**Танлов ўтказиш ва якун чиқариш муддати — 1996 йил 25 октябрь.**

***Қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: 36-06-34, 36-32-27.***

*Энергетика вазирлиги томонидан чиқарилган Китоб шаҳридаги 226-МПМҚдан «Тўра Асқар ўғли» фирмаси қабул қилиб олган ЭВ-001 серияли N 0002112 юз минг сўмлик вексел йўқолганлиги сабабли ҳақиқий ҳисобланмайди.*

ҚАНДОЛАТ ВА УН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КОРХОНАЛАР, ҚАНДОЛАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

UNICA Unilever Central Asia ВА DM DEMIR

ФИРМАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА

2 НОЯБРЬ куни

"ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ" МЕҲМОНХОНАСИДА ТОРТЛАР, КЕКСЛАР, ПИРОЖНИЙЛАР ВА БОШҚА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА "UNILEVER" ФИРМАСИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЁҒЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДАГИ ЯНГИ ЮТУҚЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СЕМИНАР-КЎРГАЗМА ЎТКАЗИЛАДИ.

ШУ ХУСУСДА МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН 1996 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ, СОАТ 19.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

Кириш фақат таклифномалар билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26-уй. "Демир" фирмаси марказий офиси.

Тел.: 33-06-00, 33-81-48, 56-12-98. Факс: 56-03-33. (Мўлжал: А.Навоий театри)

ABB

БУЮК САРКАРДА, ДАВЛАТ АРБОБИ, ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ БОШИНИ ҚОВУШТИРГАН МАЪРИФАТЛИ ЖАҲОНГИР ВА ИЛМУ ФАН ҲОМИЙСИ

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ БИЛАН МЕҲНАТКАШ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЧИН ДИЛДАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁНИНГ ИЛҒОР МАМЛАКАТЛАРИ САФИДАН ЎРИН ОЛИБ, ГУЛЛАБ-ЯШНАШИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ.

ШВЕЦИЯ-ШВЕЙЦАРИЯ АВВ (АСЕА БРАУН БОВЕРИ) КОНЦЕРНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ.


Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «ЎзРосОлийгоҳ» қўшма корхонаси жамоаси бош директор ўринбосари Ғофуржон Жўраевга отаси **ЖЎРА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент» Республика фонд биржаси меҳнат жамоаси Республика товар-хомашё биржаси бошқарувининг Раиси Шуҳрат Муҳамедович Муҳамедовга онаси **Рўзихон ИСЛОМҚУЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —Т. Долиев. Навбатчи — Ш. Каримов. Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0580 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди** —21.56 1 2 3 4 5 6